SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 23-DEKABR ■ SESHANBA ■ 149 (27.169) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИГА, БАРЧА ИЛМИЙ ХОДИМЛАРИГА

Муҳтарам дўстлар!

Аввалambор, ўз ҳаётини Ўзбекистон илм-фани ривожига бағишлаган, мамлакатимиз келажаги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган сиз, азизларни бугунги қутлуғ сана — Фанлар академиясининг 60 йиллик тўйи билан муборакбод этишни мен ўзим учун катта шараф, катта бахт деб биламан.

Хизмат тақозосига кўра менинг ҳаёт йўлим узоқ йиллар давомида Ўзбекистоннинг илмий салоҳиятини ўзида мужассам этган, не-не буюк истеъдодларни бирлаштирган шу мўътабар даргоҳ билан боғлиқ ҳолда ўтганини, Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган, ноёб кашфиёт ва ихтироларнинг муаллифлари бўлган машҳур олимлар билан ҳамкор бўлиб ишлаш, уларнинг фаолиятини бевосита кузатиш имконига эга бўлганимни, ўйлайманки, сизлар яхши биласиз.

Шу маънода, Академиянинг барча аъзолари, илмий мактабларнинг соҳиблари ва давомчилари, йирик илмий муассасалар раҳбарлари ва ходимларининг кўпчилигини яқиндан билганимдан, сизлар билан ёнма-ён бўлиб ишлаганимдан ҳали-бери катта таассуротда эканимни изҳор этмоқчиман.

Мана шу қувончли кунда барчангизга ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромимни билдириб, академия фахрийларига узоқ умр, фаолларига омад, эндигина илм-фан оламига қадам қўяётган ёшларимизга эса фан чўққиларини эгаллашда ютуқлар тилашдан бахтиёрман.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг номини, унинг шон-шуҳратини сақлаб ва юксалтириб келаётганингиз учун барчангизга жамоатчилигимиз номидан самимий ташаккур билдираман.

Бугун Фанлар академиясининг 60 йиллигини кенг нишонлар эканмиз, сизларнинг бу тарихий санага аввало она заминимизда қадимдан фаолият кўрсатиб келган Маъмун академияси, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона водийси каби машҳур илм-фан марказларининг мантиқий ҳосиласи, миллий тафаккуримизнинг табиий маҳсули сифатида қараётганингиз айниқса ибратлидир.

Табиийки, тарихни бундай англаш, бундай ғурур ва ифтихор шу тупроқни жон дилидан севадиган, шу юртга сидқидилдан хизмат қилиб, уни бутун дунёга таранnум этаётган сиз каби илм-фан фидойиларига ярашади.

Кўҳна ва бой тарихимизни чуқур ўрганиш, томирларимизга етиб бориш, миллий руҳ, миллий ғоянинг жамиятимизда муносиб ўрин эгаллашига эришиш, энг муҳими, бетакрор меросимизни асраб-авайлаб, униб-ўсиб келаётган ёш авлодга етказишга фақат Ўзбекистонимизнинг тақдирини ўйлайдиган, унинг келажаги учун қайғурадиган одамларгина қодир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Хурматли илм-фан аҳли!

Фанлар академияси ўз тарихи давомида кўп воқеаларни, даврнинг барча мураккабликларини бошдан кечирганини, Марказ томонидан беписандлик ва камситиш каби ҳолатларни ҳам кўрганини, ўйлайманки, сизлар ўз фаолиятингиз мисолида яхши биласиз.

Лекин, қандай қийинчиликларга дуч келмасин, халқимизнинг ноёб истеъдодини рўёбга чиқаришда, аввалambор, Ўзбекистоннинг эртанги куни учун хизмат қиладиган ер ости, ер усти бойликларини ўзлаштиришда бу нуфузли илм даргоҳида яратилган, мамлакатимизнинг тараққиётига улкан ҳисса қўшган кашфиёт ва тадқиқотлар, янги технология ва воситалар, илмий тавсия ва қўлланмалар беқиёс аҳамиятга эга бўлганини ҳеч ким инкор этолмайди.

Бу ҳақиқатни айниқса геология, хусусан, нефть ва газ, олтин, рангли ва қимматбаҳо металлар конларини аниқлаш, математика, ядро ва қаттиқ жисмлар физикаси, астрономия, микробиология, органик ва ноорганик, ўсимлик моддалар кимёси, сейсмология, тарих ва археология, фалсафа ва шарқшунослик каби фан соҳаларида яратилган улкан кашфиётлар яққол исботлайди.

Академиямизни мана шундай юксак даражага кўтаришда буюк ҳисса қўшган, номлари тарихимиз саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган марҳум фан арбобларини ёд этиш, бугун ҳам ана шу эзгу анъаналарни муносиб давом эттириб келаётган сиз, азизларга яна бир бор ташаккур билдириш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб ҳисоблайман.

Албатта, ҳаммамиз яхши тушунамиз, Фанлар академиясининг мавжуд салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш, лабораториялар ва тажриба майдонларида, қўлёзмалар устида илмий тадқиқотлар олиб бораётган захматкаш олимлар меҳнатини рағбатлантириш учун давлатимиз томонидан берилаётган кўмак ва ёрдам ҳозирча етарли эмас.

Буни кўпчилик қаторида мен ҳам яхши англайман. Лекин, шу фурсатдан фойдаланиб, бир фикрни айтмоқчиман: иқтисодиётимиз ривожланиб, имкониятларимиз кенгайиб бориши билан шу соҳада фидойи бўлиб хизмат қилаётган илм-фан аҳли олдидаги қарзимизни адо этиш учун шароит туғилади. Бу борадаги ишларимизни охирига етказиш, тараққий топган мамлакатларнинг илм марказлари билан ҳамкорлик қилиб, тадқиқот жараёнларини замонавий даражада ташкил этиш учун амалий кўмак беришни давлат идоралари ва ташкилотларининг, бутун жамиятимизнинг биринчи даражали вазифаси, деб билишимиз зарур.

Сизларни бугунги қутлуғ айём билан яна бир бор табриклаб, мамлакатимиз олдида турган буюк мақсад ва марраларга эришишда Фанлар академияси ва барча олимларимиз ўз муносиб ҳиссасини қўшади, деб ишонч билдираман.

Мана шу улуғвор ишларни амалга оширишда барчангизга сиҳат-саломатлик, янги илмий ва ижодий зафарлар ёр бўлишини тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз илм-фани ривожи йўлидаги катта хизмати, халқимиз маънавияти ва маданиятини юксалтириш ишига қўшаётган улкан ҳиссаси, юқори малакали илмий ходимларни тайёрлаш борасидаги кўп йиллик фидокорона меҳнатини эътиборга олиб ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН АРБОБИ»

Беглов Борис Михайлович — Умумий ва ноорганик кимё институти етакчи илмий ходими, академик

Ешчанов Турсунбой — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими раиси, академик

Мирзаев Тўра — Фанлар академияси вице-президенти вазифасини бажарувчи, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти директори

Республикамизнинг иқтисодий ва маънавий юксалишига қўшаётган беқиёс ҳиссаси, кўп йиллик самарали илмий-ижодий фаолияти, юқори малакали илмий кадрларни тайёрлаш, бой маънавий меросимизни ўрганиш, уни халқаро жамоатчилик ўртасида кенг ёйиш, миллатлараро дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлаш борасидаги хизмати ҳамда жамоат ишларида фаол қатнашаётгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

«БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Қўшжонов Матёқуб — Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти етакчи илмий ходими, академик

Мусаев Жўра Азимбоевич — Генетика ва ўсимликлар эксперименталь биологияси институти лаборатория мудири, академик

Тўрақулов Ёлқин Холматович — Фанлар академияси Биокимё институти лаборатория мудири, академик

«ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Камолов Собир — Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими маслаҳатчиси, академик

Қаюмов Азизхон — Алишер Навоий номидаги Адабиёт давлат музейи етакчи илмий ходими, академик

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ХЎЖАЛИК БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Бозор ислоҳотларининг ҳозирги босқичи талабларига мувофиқ иқтисодиётни бошқаришни янада эркинлаштириш, маъмурий ислоҳотларни чуқурлаштириш, корпоратив бошқаруви меъёр ва тамойилларини кенг жорий этиш, хўжалик бирлашмаларини унификациялаш ва улар фаолиятини ташкил қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, қуйидаги асосий ташкилий-ҳуқуқий шаклларда ташкил этиладиган хўжалик бирлашмалари хўжалик бошқаруви органлари ҳисобланади:

таркибига кирувчи корхоналарнинг хўжалик бирлашмасига тегишли бўлган акция пакетлари орқали ана шу корхоналарнинг хўжалик бошқарувини амалга оширувчи акциядорлик компаниялари, шу жумладан давлат-акциядорлик компаниялари;

муассис-корхоналар томонидан улар фаолиятига кўмаклашиш учун муассис-корхоналарнинг акциялари пакетларини бошқариш ҳуқуқисиз айрим умумий вазифаларни уларга топшириш йўли билан ихтиёрийлик асосида ташкил қилинадиган уюшмалар.

2. Хўжалик бирлашмаларининг асосий вазифалари ва функциялари қуйидагилардан иборат деб ҳисоблансин:

тармоқ ва иқтисодиёт соҳаларини барқарор ривожлантиришнинг истиқболли стратегиясини белгилаш;

маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни (ишлар, хизматларни) ўзлаштириш, уларнинг жаҳон бозорларига кириб боришига кўмаклашиш;

корхоналарни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш, ушбу мақсадларга хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишда ёрдам бериш;

улар таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларга ахборот хизматлари кўрсатиш;

кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш.

3. Белгилансинки, давлат бошқаруви, шу жумладан тақсимлаш вазифалари, шунингдек уларнинг таркибига кирувчи корхоналар фаолиятига маъмурий аралашув хўжалик бошқаруви органларининг ваколатига кирмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 20 июндаги Ф-1791-сон Фармойиши билан тузилган маъмурий ислоҳотни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни бошқариш тузилмасини такомиллаштиришга оид таклифларни тайёрлаш бўйича Республика комиссиясининг қуйидагилар тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин:

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори

2003 ЙИЛ 27 ДЕКАБРЬ ШАНБА — ДАМ ОЛИШ КУНИНИ 2004 ЙИЛ 2 ЯНВАРЬ ЖУМА КУНИГА КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Янги йил байрами муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

2003 йил 27 декабрь шанба — дам олиш куни 2004 йил 2 январь жума кунига кўчирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 22 декабрь

Ўзбекистон ва жаҳон

ЎН ЙИЛ ЎТГАЧ...

1993 ЙИЛДА БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ МИНБАРИДАН ЎЗБЕКНИНГ ОВОЗИ ИЛК БОР ЯНГРАГАНДИ: ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 48-СЕССИЯСИДА НУТҚ СЎЗЛАГАНДИ



Атлантика океани соҳилидаги бу шаҳарга 1614 йилда голландияликлар асос солишган (ўшанда у Янги Амстердам деб аталарди). 1664 йилда эса уни инглизлар ишғол этишиб, ўз герцоглари Йорк номини беришганди. Ва шу тариқа харитада Нью-Йорк пайдо бўлган.

1785-1790 йилда Америка Қўшма Штатларининг муваққат пойтахти бўлган бу шаҳар бора-бора дунёдаги энг йирик шаҳарлардан бирига айланди. Кўплаб халқаро ташкилотлар, жумладан БМТ ҳам Нью-Йоркда қўним топган. У ерга бориш-дан олдин Қуйи Манхеттендаги Умумжаҳон савдо марказини зиёрат қиламиз (маълумки, 2001 йилнинг 11 сентябрида бу ердаги эгизак бинолар нобуд бўлганди). Ўтган йилнинг август ойида савдо марказида бўлганимизда эгизаклар ўрнида қурилажак иншоотлар лойиҳаси танлови старт олганди. Лекин ундан бирортаям лойиҳа ўтолмагач, шу йил бошида янги — бу гал халқаро танлов эълон қилинибди. Ўн уч кишидан иборат ҳайъат дунёнинг турли мамлакатларидан юборилган мингта лойиҳадан саккизтасини финалга лойиқ деб топибди ва уларнинг муаллифларига 150 минг доллардан берилибди — макетлар тайёрлашлари учун.

Биз борганда ушбу макетлар Умумжаҳон молия марказининг қишки боғида намойиш этилаётганди. Ғолиб деб топилган лойиҳа асосида 2008 йилда осмонўпар бино қуриларкан. Дунёда энг баланд бўладиган бу иншоотга олдиндан ном бериб қўйишибди: «Озодлик минораси». Лекин аслида эса тинчлик ва озодлик тимсоли деб аллақачонок БМТ тан олинган. Унинг Бош қароргоҳи Нью-Йоркдаги энг сўлим гўшалардан ҳисобланади, аниқроғи, у шаҳар ичидаги шаҳарга ўхшайди. Ист-Ривер дарёси бўйида — бир неча осмонўпар бинолардан иборат (энг баланди 104 қаватли) Бош қароргоҳнинг олд томонида улкан тўппончага... ҳайкал ўрнатилган. Унинг оғзи эса қайрилиб, боғлаб ташланган: ҳеч қаерда ва ҳеч қандай қуролдан ҳеч қачон ўқ узилмасин деган ниятда.

БМТ эшиклари азал-азалдан ҳамма учун очиқ. Ва мана ҳозир — биз ҳам дунёнинг турли мамлакатларидан келган юзлаб одамлар билан биргаликда ичкарига кириш учун навбатда турамиз. 2001 йилнинг сентябрида рўй берган террордан сўнг БМТга ташриф буюрганлар ҳам обдон текширувдан ўтказиладиган бўлган.

... Магнит ромдан ўтиб, холлга қадам ташлаймиз.

БМТ халқаро террорчиликка қарши курашга катта эътибор ажратмоқда. Ҳатто Хавфсизлик Кенгаши қошида «Ал-Қоида» ташкилоти ҳамда «Толибонлар» ҳаракати, улар билан боғлиқ шахслару ташкилотларнинг фаолиятини назорат қилиб борувчи махсус қўмита ташкил этилган. Биз БМТга борган пайтда унинг навбатдаги мажлиси ўтказилди.

— БМТнинг терроргa қарши кураши тобора авж олдирилаётган экан, — дейди биз билан суҳбатда Хавфсизлик Кенгашининг масъул ходимлари, — бунда Ўзбекистон Президентининг ҳам ҳиссаси беқиёс. Жаноб Каримов ўн йил олдин — Бош Ассамблеянинг 48-сессиясидаги нутқидаёқ ушбу долзарб муаммони дадиллик билан кўтариб чиққанини БМТдагилар ҳали-ҳануз гапириб юришади.

Дарҳақиқат, ўзбекнинг овози БМТ — жаҳондаги энг нуфузли ушбу халқаро ташкилот минбаридан илк маротаба ўша қирқ саккизинчи сессияда янграганди (Бу тарихий воқеага камина ҳам гувоҳ бўлгандим: Нью-Йоркка буюрган ўша ташрифи чоғида — 1993 йилнинг 28 сентябрида Президентимизга ҳамроҳлик қилганлар орасида мен ҳам бор эдим). Бу Ислом Каримовнинг Америкага илк ташрифи эди. Унда мустақилликка эришганига атиги икки йил тўлган Ўзбекистон ҳақида жаҳон ҳамжамияти, очиғи, айниқса Америкада деярли ҳеч нарса билишмасди.

Ва ўшанда Президентимизнинг юртимизни АҚШга таништириш борасидаги биринчи қадами 27 сентябрда — «Плаза» меҳмонхонасининг банкетлар залида қўйилди. Залда Америкaнинг қатор шаҳарларидан нафақат АҚШ, балки жаҳон иқтисодию сиёсатига етарлича таъсир ўтказишга қодир олтмиш нафар ишбилармон тўпланганди (улар атайлаб, Юртбошимиз билан учрашгани келишганди).

3-бет

ИЛМИЙ ЮТУҚЛАР КЎРГАЗМАСИ

Тошкент (ЎзА мухбири Ж.Раупов). «Ўзэкспомарказ»да мамлакатимиз Фанлар академиясининг 60 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон Республикасининг илмий-техникавий салоҳияти» деб номланган кўргазма очилди.

Кўргазмани ўтказишдан мақсад илмий ютуқлар, фаннинг мамлакатимиз иқтисодиётига қўшаётган ҳиссаси, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши билан таништиришдир.

Кўргазмада олимларимизнинг илмий ихтиролари, технологиялари, турли электрон ускуналари, механик қурилмалари намойиш этилмоқда. Ўзбекистон Фанлар академиясининг 48 та муассасаси, вазирликлар ва идоралар ҳамда миллий холдинг компаниялари фаннинг турли соҳаларидаги ютуқларини тақдим этган.

Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев иштирок этди.

Спорт

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат

ТЎҚҚИЗТА МЕДАЛЬ

Куни кеча каратэчиларимиз Истанбул (Туркия) шаҳрида уюштирилган йирик халқаро турнирдан қайтишди. Дунёнинг ўн бир давлати вакиллари иштирок этган мазкур мусобақада Ўзбекистон каратэчилари умумжамоа ҳисобида фахрли иккинчи ўринни эгаллашди. Ҳамюртларимиз иккита олтин, учта кумуш ва тўртта бронза медалини қўлга киритишди.

✧✧✧

Суратда: Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари.

ЎзХДП хабари

АҚШ ДИПЛОМАТИ ТАШРИФИ

Жорий йилнинг 22 декабрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашига Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Миссияси раҳбари ўринбосари вазифасини бажарувчи Силвия Рид Курран хоним ташриф буюрди. Унинг билан бўлган учрашувда Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулхафиз Жалолов Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи ва мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида партиянинг ўрни хусусида сўзлаб, меҳмонни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби Аслиддин Рустамов иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

БИЗНЕС БАНК ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдуллаев Абдумавлон — Генетика ва ўсимликлар эксперименталбиологияси институти лаборатория мудири, академик

Абдуллаев Жўра Абдуллаевич — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази илмий маслаҳатчиси, академик

Абдуллахўжаева Малика — Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика патологик анатомия маркази директори, академик

Авезов Раббонақул — С.Азимов номидаги «Физика-Қуёш» илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси Физика-техника институти лаборатория мудири

Орипов Тоҳир Фотихович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти, академик

Аюпов Шавкат Абдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари, академик

Глушенкова Анна Ивановна — С.Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти лаборатория мудири, академик

Исомиддинов Муҳаммад Ҳасанович — Я.Ғуломов номидаги Археология институти етакчи илмий ходими

Исломов Ўткир — Я.Ғуломов номидаги Археология институти бўлим бошлиғи, академик

Лутфуллаев Саъдулла Лутфуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти вазифасини бажарувчи, С. Азимов номидаги «Физика-Қуёш» илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси бош директори

Мавлоний Машҳура Эгамовна — Микробиология институти лаборатория мудири, академик

Мўминов Толиб Мусаевич — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори, академик

Салоҳитдинов Маҳмуд — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори, академик

Убайдуллаева Раъно Аҳатовна — «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази директори, Иқтисодиёт институти бўлим мудири, академик

Хайруллаев Музаффар Муҳитдинович — Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори, академик

Ҳасанов Маҳмуджон — Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди бошлиғи

Ҳотамов Нариман Тожиевич — «Фан» нашриёти директори

Хожаниязов Гайратдин — Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг Тарих, археология ва этнография институти археология бўлими мудири

II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Аҳмедхўжаева Ҳафиза Саидғаниевна — С.Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти етакчи илмий ходими

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Буряков Юрий Фёдорович — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори, академик

Казаков Ибрагим — Зоология институти лаборатория мудири

Лордкипанидзе Лора Николаевна — Ҳ.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти етакчи илмий ходими

Минасянц Вазген Сосович — Ўзбекистон тарихи давлат музейининг катта илмий ходими

Пиримқулова Васила Агзамовна — Фанлар академиясининг халқаро илмий ҳамкорлик ва ташқи инвестицияларни жалб қилиш бўйича вице-президенти хизмати раҳбари

Файзуллаев Омонулла — Фалсафа ва ҳуқуқ институти етакчи илмий ходими

Филанович Маргарита Ивановна — Я.Ғуломов номидаги Археология институти катта илмий ходими

Штонда Нина Ивановна — «Ботаника» илмий ишлаб-чиқариш маркази лаборатория мудири

Халқимиз илмий салоҳиятини юксалтириш ва малакали илмий кадрларни тайёрлаш борасидаги кўп йиллик меҳнатлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Азимов Бахтиёр Магрупович — «Замонавий информацион технологиялар» маркази қошидаги Кибернетика институти лаборатория мудири

Алиев Абдурашид — У.Орипов номидаги Электроника институти лаборатория мудири

Беспалова Надежда Николаевна — М.Ўрозбоев номидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти етакчи муҳандиси

Гуломова Дилбар Жўраевна — С.Азимов номидаги «Физика-Қуёш» илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институти лаборатория мудири

Жўраев Маматқул — Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти архив бўлими мудири

Ищенко Гульсияр Сайделовна — «Академасбоб» илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси илмий котиби

Қосимжонов Магрупжон Орипжонович — Фанлар академияси Иссиқлик физикаси бўлими етакчи илмий ходими

Набиев Озод — «Замонавий информацион технологиялар» маркази бош директори, «Алгоритм-инженеринг» институти директори

Навотный Вадим Шименович — С.Азимов номидаги «Физика-Қуёш» илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси Физика-техника институти лаборатория мудири

Побережская Светлана Константиновна — Умумий ва ноорганик кимё институти етакчи илмий ходими

Ражабова Раъно Ёдгоровна — Тарих институти етакчи илмий ходими

Саидхонова Саодат Мухторовна — Темурийлар тарихи давлат музейи илмий котиби

Султонов Саид-Аббос Саидаҳмедович — Фанлар академияси ишлар бошқарувчиси

Султонов Ҳотам Бурҳонович — Мирзо Улуғбек номидаги Астрономия институти кичик илмий ходими

Тошпўлатов Жамондин — Микробиология институти лаборатория мудири

Усмонов Пўлат Бекмуротович — Физиология ва биофизика институти директори

Худойбердиев Рўзиқул — «Ботаника» илмий ишлаб-чиқариш маркази лаборатория мудири

Чистяков Павел Григорьевич — Ядро физикаси институти қошидаги «Радиопрепарат» давлат корхонаси бош технологи

Чубукина Ирина Юрьевна — Фанлар академияси бўлими бошлиғи

Шарафутдинова Раҳима Шамсутдиновна — Алишер Навоий номидаги Адабиёт давлат музейи ёзувчилар архиви мудири

Ёқубов Абдуқаюм Фозиевич — Ядро физикаси институти ишчиси

Ёрмуҳамедов Акбар Раҳматович — F.Мавлонов номидаги Сейсмология институти лаборатория мудири

Қаюмов Абдураҳим — Фанлар академияси Фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш фонди кенгашининг илмий котиби

Илм-фан соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, илмий янгиликларни яратиш ва амалиётга жорий этиш борасидаги хизматларини инобатга олиб қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИХТИРОЧИ ВА РАЦИОНАЛИЗАТОР»

Баҳромов Саъдулла Абдуллаевич — «Академасбоб» илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси бош директори

Тўраев Аббосхон Собирхонович — О.Содиқов номидаги Биоорганик кимё институти директор ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 18 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ХЎЖАЛИК БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

а) Ўзбекистон машинасозлик корхоналари уюшмаси «Ўзмашсаноат»ни;

«Ўбекқоғозсаноат» уюшмасини;

Ўзбекистон давлат транспорт қурилиши корхоналари уюшмаси «Ўзбектранскурилиш»ни;

Ўзбекистон Республикаси Қизилқум нодир металлар ва олтин давлат концерни «Қизилқумнодирметаллолтин»ни;

«Махсусқотишма» республика ташкилотини;

функцияларини «Ўзбек ипаги» уюшмасига топширган ҳолда «Шойи» акциядорлик компаниясини;

функцияларини «Ўзбек ипаги» уюшмасига топширган ҳолда «Пилла холдинг» компаниясини тугатиш;

б) ёғ-мой ва тамаки саноати корхоналари «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси ҳамда қандолатчилик, чой ва пиво-алкоголсиз ичимлик саноати корхоналари «Озиқовқатсаноат» уюшмаси негизида Ёғ-мой ва озиқовқат саноати уюшмасини ташкил қилиш;

в) Ўзбекистон автомобилсозлик корхоналари уюшмасини «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси этиб;

«Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорациясини «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси этиб;

Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорти корхоналари давлат уюшмасини «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси этиб;

«Ўзагромашсервис» уюшмасини «Ўзагромашсервис» акциядорлик компанияси этиб;

«Дори-дармон» давлат-акциядорлик уюшмасини «Дори-дармон» акциядорлик компанияси этиб;

Ўзбекистон фармацевтика саноати давлат-акциядорлик концернини «Ўзфармсаноат» уюшмаси этиб;

Ўзбекистон гўшт ва сут саноати давлат-акциядорлик уюшмасини «Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси этиб;

«Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат-акциядорлик компаниясини «Ўзқишлоқхўжаликкимё» уюшмаси этиб;

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компаниясини «Ўзқурилишматериаллари» уюшмаси этиб қайта ташкил қилиш.

5. Маъмурий ислоҳотни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни бошқариш тузилмасини такомиллаштиришга оид таклифларни тайёрлаш бўйича Республика комиссияси (Азимов):

бир ой муддатда мазкур Фармонда кўзда тутилган хўжалик бирлашмаларини тугатиш бўйича ташкилий тадбирларни Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

ушбу Фармонга мувофиқ қайта ташкил этиладиган хўжалик бошқаруви органларининг ташкилий тузилмалари ва функциялари тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун график ишлаб чиқсин ҳамда босқичма-босқич тақдим этсин.

6. Акциядорлик компаниялари, уюшмалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичи талабларига, ушбу Фармон қоидаларига мувофиқ уч ой муддатда ўзларининг бошқарув ташкилий тузилмаларини қайта кўриб чиқсинлар ҳамда уларни белгиланган тартибда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсинлар, шунингдек ўз Низомларига тегишли ўзгартиришлар киритсинлар.

7. Маъмурий ислоҳотни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни бошқариш тузилмасини такомиллаштиришга оид таклифларни тайёрлаш бўйича Республика комиссияси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда хўжалик бирлашмаларининг устав жамғармаларидаги давлат улушини қисқартириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқсин ҳамда уларни акциядорлик компаниялари ва уюшмаларининг бошқаруви ташкилий тузилмаларини такомиллаштириш тўғрисидаги қарор лойиҳалари билан бир вақтда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган қўшимча ва ўзгартиришлар тайёрланиши ҳамда белгиланган тартибда киритилишини таъминласин.

9. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Худойбергенов зиммаларига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 22 декабрь

ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ — 60 ЁШДА

Ҳар қандай давлатнинг куч-қудрати кўп жиҳатдан унинг фан-техникаси, илмий салоҳияти қай даражада ривожланганига ҳам боғлиқ. Жаҳонга Аҳмад Фарғоний, Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби буюк алломаларни берган заминимиз башарият тараққиётида ўзига хос ўрин тутади.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг илк йиллариданоқ мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори ана шу эътиборнинг яна бир ёрқин далили бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида мазкур сана муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Уни Фанлар академияси президенти, академик Б.Йўлдошев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фанлар академиясининг аъзоларига, барча илмий ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Мустақиллик йилларида юртимизнинг илмий-техникавий салоҳияти юксалди. Мамлакатимизда замонавий таълим-тарбия тизимининг шаклланиши Фанлар академияси ва унинг илмий-тадқиқот муассасалари фаолияти билан ҳам узвий боғлиқ. Академиянинг илмий-тадқиқот институтлари миллий ва халқаро грантлар асосида фаннинг ривожланган йўналишлари бўйича изланишлар олиб бормоқда. Натижада илм-фан соҳасида катта ютуқларга эришиляпти.

Табиий фанлар соҳаларида эришилган илмий натижалар мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишида фаолият кўрсатаётган олимларимиз эса кўҳна ва бой тарихимизни, жаҳоний-маънавий меросимизни теран ўрганиш, халқимиз маънавиятини юксалтириш, миллий истиқлол ғоясини илмий асосда ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш ишларига муносиб ҳисса қўшаётир. Шу билан бирга, Академия тизимида илмий жараёнларга хорижий сармоя жалб этиш, экспорт салоҳиятини кучайтирувчи технология ва ишланмалар яратиш ва уни ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш ишларига катта эътибор берилмоқда.

Академия олимлари замонавий илм-фаннинг геология, математика, ядро ва қаттиқ жисмлар физикаси, астрономия, микробиология, ўсимликлар кимёси, сейсмология, фалсафа ва бошқа етакчи соҳаларини, кўҳна тарихимиз саҳифаларини, Шарқнинг бебаҳо мероси жам бўлган нодир қўлёзмаларни ўрганиш борасида жаҳон илмий жамоатчилиги назарига тушаётган кўплаб янгиликлар яратмоқда.

Ана шундай фидойи олимларимиздан бир гуруҳи Президентимиз Фармонига асосан Фанлар академиясининг 60 йиллиги муносабати билан Ватанимизнинг фахрий унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланди. Уларга юксак мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э.Халилов топширди.

Анжуманда сўзга чиққан Россиянинг Ядровий тадқиқотлар бирлашган институти директори В.Кадишевский, Польша Фанлар академияси вице-президенти С.Януш, Япониядаги «Ипак йўли» халқаро академияси директори К.Като ва бошқалар нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон илм-фани ривожига ҳисса қўшаётган олимларимизни бугунги байрам билан қутлади, янгидан-янги илмий кашфиётлар қилишда омад тилади.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари А.Абдувоҳитов, З.Хусниддинов, Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 23 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	719,36	1 Хитой юани	118,33	1 СДР	1443,95
1 Англия фунт стерлинги	1729,11	1 Россия рубли	33,49	1000 Туркия лираси	0,69
1 Дания кронаси	163,03	1 Украина гривнаси	183,69	1 Швейцария франки	781,01
1 БАА дирхами	266,67	1 Малайзия ринггити	257,77	1 ЕВРО	1212,97
1 АҚШ доллари	979,39	1 Польша злотийси	260,79	10 Жанубий Корея вони	8,21
1 Миср фунти	159,25			10 Япония иенаси	90,87
1 Исландия кронаси	13,54				
1 Канада доллари	732,47				

** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

ЎзХДП хабари

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси МК Котибиятининг 2003 йил 22 декабрь куни бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида келаси йилнинг биринчи чорагида Марказий Кенгашда амалга ошириладиган асосий ишлар режаси тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Шу ҳақда қабул қилинган ҳужжатда 2004 йили партияда ҳисобот-сайловлар мавсуми ва мамлакатимизда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар ўтказилиши муносабати билан, Марказий Кенгаш томонидан январь-март ойларида ташкил этиладиган асосий тадбирларни амалга ошириш тартиби ҳамда тахминий муддатлари белгиланди.

Ўзбекистон ХДП МК
матбуот хизмати

«НЕМИС ОВОЗИ» — ҚАШҚАДАРЁДА

Вилоят телерадиокомпаниясида «Немис овози» телерадиотармоғи узатгичлари ўрнатилди.

Қашқадарё аҳли эндиликда сунъий йўлдош орқали Европа янгиликлари, Германия маданияти ва санъати, адабиёти ҳамда туризмга доир телекўрсатувлар ҳамда радиоэшиттиришларни кўриш ва эшитиш имкониятига эга бўлдилар.

«Туркистон-пресс»

Ҳиммат қилсанг — иззат топасан!

Президентимизнинг Ўзбекистон Конституциясининг 11 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида меҳр ва мурувват ҳақида билдирган фикрларини мушоҳада қилар эканман, кўп нарсалар хаёлимдан ўтди...

Қарияларнинг: меҳр-шафқатга муҳтожларга, етимесирларга, ёлғиз кексаларга ва ночор оилаларга меҳр-мурувватли бўлинг, деган панду насиҳатларини эладим.

Ана шундай ўйлар оғушида Фарғонадаги Охунбобоев тумани марказига етиб келишим биланоқ эски танишим, узоқ йиллар вилоят банкларида ишлаб обрў-эътибор топган қадрдоним Расул ака Шароповни йўқладим. У киши пенсияга чиққан бўлишларига қарамай туман «Пахта банк»ини бошқараётгани, кўп хайрли ишларни қилаётганини эшитгандим.

Қисқа муддат ичида бу ерда рўй берган ўзгаришларни кўриб ҳайрон қолдим: икки-уч йил аввал кўримсизгина, аниқроғи, атрофи ташландиқ бино бугун чирой очиб турибди. Теграсида кўркам боғ. Муҳташам бино вестибюли мижозлар билан гавжум. Жовонларда иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий газета-журналларнинг тахламлари, банк муносабатлари қонун-қоидаларига оид тўпламлар...

Мижозларга мўлжалланган хонада кичик ва ўрта бизнес ходимлари учун дейсизми, фермерлар учун дейсизми — ҳаммасига алоҳида маълумотлар папкаси. Исталган дақиқада уларнинг ери ёки даромади, шахси ва хўжалигига оид турли маълумотлар билан танишишга имконият бор. Ишнаяпман деб қолди. Суришгирсам, Расул ака банкка бошқарувчи бўлиб келгач, халқ таълими бўлими билан кенгашиб, туман мактаблари ўқувчилари ўртасида банк соҳаси мутахассиси бўлиб етишишга иштиёқманд ёшларга имтиёз бериш юзасидан танлов эълон қилибди. Танловга бир шарт ҳам қўйибди: унинг маблағ қўяётган экан. Мурувватни қаранг... Саховат дегани шу-да...

— Тепатаги қишлоғиданман, — суҳбатга қўшилди даврадагиларнинг яна бири — Даврон Юсупов (ўқитувчи, меҳнат фанидан дарс беради) — Хотиним II гуруҳ ногирони. Беш нафар фарзандимиз бор. Менинг ҳам ўғлим Фазлиддин ўша танловда ғолиб чиқиб, шу ерда иш ўрганди, кейин Марғилон ҳисоб-кредит коллежига ўқишга кирди. Банкда ўғлим номига Расул ака қўйган шахсий ҳисоб жамғармаси бор. Таътил кунлари Фазлиддин келибоқ, «Пахта банк»ка, устози ва ҳомийси ҳузурига чопади. Ўқишдаги ютуқларини айтади, режаларини маслаҳатлашади.

Даврадаги — Гулчеҳра Ҳамдамова, Муҳаррам Жалилова, II гуруҳ ногирони Ортиқхўжа Яхёев, фаррош Холида Қосимова, ўқитувчи Каримжон Нишонов сингари яна ўнлаб гурунгдошлар ҳам ўз фарзандларининг танловда ғолиб чиқани-ю, «Пахта банк» да иш ўрганаётганликлари ва уларга яратилган имтиёзлар ҳақида тўлқинланиб сўзлаб беришди.

Суҳбатлар асносида яна шуни билиб олдимки, Расул аканинг шогирдларидан бири шу йилдан бошлаб Молия банк академиясида таҳсил олмоқда. Уч нафари турли олийгоҳ талабалари. Яна уч нафари Марғилон ҳисоб-кредит коллежида ўқимоқда. Кўплари дарсдан сўнг банкда иш юритиш, компьютер саводхонлиги бўйича малака оширмоқда...

— Кишилар бор боғ яратади, мевасидан эл баҳра олади, — дейди банкирнинг ўзи, — менинг боғим ва унинг мевалари мана шу ёшлар. Улар келажакда ўз меҳнатлари, интилишлари билан юртимизга фойдаси тегсин, дейман. Фақат ким бўлса ҳам қўли, дили тоза бўлса, бас. Уларни имкон қадар қўллашга ҳаракат қилаяпман.

Мен ёшларга нафақат банк ишларини, балки инглиз тилини ҳам ўрганиш кераклигини доим маслаҳат бераман... Яқинда уларни нафақадаги инглиз тили ўқитувчиси Мақсуд Тешабоев ҳузурига йўлладим. У киши ҳеч қандай тўловсиз инглиз тилидан дарс бераяпти... Минг раҳмат... Ҳиммат қилсанг, иззат кўрасан, дейди халқимиз. Рост гап...

Юртбошимиз айтганларидай «ана шундай фикр-зикр билан яшаётган одамларга Яратганнинг ўзи қайтаради, бойлигига бойлик қўшади», албатта.

Алишер ИБОДИНОВ,
Муҳаммаджон АҲМЕДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

✧✧✧

Суратда: Р.Шароповўз шогирдлари билан.

ОҚИБАТЛИ ОДАМЛАР

ЎЗ ЖАМҒАРМАСИ ҲИСОБИДАН ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЁТГАН НАФАҚАХЎР ВА КЕКСА ЎҚИТУВЧИ ҲАҚИДА СЎЗ

Банк ҳовлисида ўтирган мижозлар билан суҳбатлашаяпман.

— Ҳомиджон Қорабоевман, — деб таништирди ўзини улардан бири. — Лангар қишлоғида яшайман. Шўро даврида Чернобиль авариясиоқибатларини бартараф этишда қатнашиб, II гуруҳ ногиронлигини орттирганман. Соғлиғимнинг мазаси йўқ. Хотиним уй бекаси, тўрт нафар болам бор. Аҳволни тушунаверинг...

Яқинда ўғлим Дилшод, (у 24-мактабнинг 8-синфда ўқийди), «Пахта банк»да иш ўргатилган махсус харитада «Пахта банк» мижозларининг манзиллари ёзиб қўйилган.

Ишиштирокчилари албатта кам таъминланган оилалардан бўлиши керак экан... Ўғлим Дилшод шу танловда ғолиб чиқиб, банкка иш ўрганувчи сифатида қатнай бошлади. Унинг номига банкда алоҳида ҳисоб рақами ҳам очилибди. Ҳар ойда тузуккина миқдорда пул қўйиб бориляпти экан. Мактабни тугатиб, шу йўналишдаги билим даргоҳига ўқишга кирса шу пул асқотади-да... Сиз, мухбир ука, Расул аканинг шу ташаббуси ҳақида ёзинг... Э, тўхтанг, «ташаббуси» дедимми, йўқ, кейин билсак, ўғлимнинг шахсий ҳисоб рақамига банк ҳисобидан эмас, Расул ака ўз шахсий жамғармаси ҳисобидан маблағ қўяётган экан. Муруввати қаранг... Саховат дегани шу-да...

— Тепатаги қишлоғиданман, — суҳбатга қўшилди даврадагиларнинг яна бири — Даврон Юсупов (ўқитувчи, меҳнат фанидан дарс беради) — Хотиним II гуруҳ ногирони. Беш нафар фарзандимиз бор. Менинг ҳам ўғлим Фазлиддин ўша танловда ғолиб чиқиб, шу ерда иш ўрганди, кейин Марғилон ҳисоб-кредит коллежига ўқишга кирди. Банкда ўғлим номига Расул ака қўйган шахсий ҳисоб жамғармаси бор. Таътил кунлари Фазлиддин келибоқ, «Пахта банк»ка, устози ва ҳомийси ҳузурига чопади. Ўқишдаги ютуқларини айтади, режаларини маслаҳатлашади.

Даврадаги — Гулчеҳра Ҳамдамова, Муҳаррам Жалилова, II гуруҳ ногирони Ортиқхўжа Яхёев, фаррош Холида Қосимова, ўқитувчи Каримжон Нишонов сингари яна ўнлаб гурунгдошлар ҳам ўз фарзандларининг танловда ғолиб чиқани-ю, «Пахта банк» да иш ўрганаётганликлари ва уларга яратилган имтиёзлар ҳақида тўлқинланиб сўзлаб беришди.

Суҳбатлар асносида яна шуни билиб олдимки, Расул аканинг шогирдларидан бири шу йилдан бошлаб Молия банк академиясида таҳсил олмоқда. Уч нафари турли олийгоҳ талабалари. Яна уч нафари Марғилон ҳисоб-кредит коллежида ўқимоқда. Кўплари дарсдан сўнг банкда иш юритиш, компьютер саводхонлиги бўйича малака оширмоқда...

— Кишилар бор боғ яратади, мевасидан эл баҳра олади, — дейди банкирнинг ўзи, — менинг боғим ва унинг мевалари мана шу ёшлар. Улар келажакда ўз меҳнатлари, интилишлари билан юртимизга фойдаси тегсин, дейман. Фақат ким бўлса ҳам қўли, дили тоза бўлса, бас. Уларни имкон қадар қўллашга ҳаракат қилаяпман.

Мен ёшларга нафақат банк ишларини, балки инглиз тилини ҳам ўрганиш кераклигини доим маслаҳат бераман... Яқинда уларни нафақадаги инглиз тили ўқитувчиси Мақсуд Тешабоев ҳузурига йўлладим. У киши ҳеч қандай тўловсиз инглиз тилидан дарс бераяпти... Минг раҳмат... Ҳиммат қилсанг, иззат кўрасан, дейди халқимиз. Рост гап...

Юртбошимиз айтганларидай «ана шундай фикр-зикр билан яшаётган одамларга Яратганнинг ўзи қайтаради, бойлигига бойлик қўшади», албатта.

Алишер ИБОДИНОВ,
Муҳаммаджон АҲМЕДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

✧✧✧

Суратда: Р.Шароповўз шогирдлари билан.

ЎН ЙИЛ ЎТГАЧ...

1993 ЙИЛДА БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ МИНБАРИДАН ЎЗБЕКНИНГ ОВОЗИ ИЛК БОР ЯНГРАГАНДИ: ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 48-СЕССИЯСИДА НУТҚ СЎЗЛАГАНДИ

Туркия Бош вазири Режеп Эрдоганнинг Ўзбекистонга ташрифи мамлакат сиёсий доиралари ва матбуоти томонидан кенг муҳокама этилди. Диққатга сазовор жойи шундаки, Туркиянинг барча сиёсий партиялари ўзларининг Р.Эрдоган ҳукумати олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатга бўлган муносабатидан қатъий назар икки мамлакат ўртасида ҳамкорликнинг ривожланишига самимий хайрихоҳ эканини билдирдилар.

Анқарага қайтгач, Бош вазир маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларига берган баёнотида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан бўлган мулоқот натижаларини юқори баҳолади. Туркия ҳукумати раҳбари Ўзбекистонда кўрсатилган самимий меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирар экан, музокаралар жудаям сермаҳсул кечганини ҳамда натижалар кутилгандан ҳам зиёда бўлганини қайд этди.

Р.Эрдоган Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги муносабатларнинг чуқур тарихий ва маданий ришталарга асос-

НАТИЖАЛАР КУТИЛГАНДАН ЗИЁДА БЎЛДИ

лангани ҳамда уларни келажак авлод манфаатлари йўлида мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириб бориш ҳар бир турк сиёсатчисининг бурчи эканини таъкидлади. У Туркиянинг Марказий Осиё мамлакатларига қаратилган сиёсатида Ўзбекистон муҳим ўрин эгаллашини яна бир бор эътироф этди.

Турк ОАВлари икки давлат раҳбарлари ўртасида режалаштирилганидан икки баробар кўп вақт давом этган музокараларнинг амалий ҳамда самарали ўтганига алоҳида эътибор қаратди.

Турк матбуоти икки мамлакатнинг халқаро терроризмга қарши кураш борасида бир хил қарашларга эга эканини қайд этди. Ўзбекистон раҳбариятининг ушбу масаладаги изчил ҳамда қатъий сиёсати ҳурматга сазовордир, дея таъкидлади.

«Анадолу» агентлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқаро терроризмга қарши кураш борасида битимнинг имзоланиши ушбу соҳада йўлга қўйилган ҳамкорликнинг яққол намунаси экани ҳамда Ўзбекистон ушбу иллатни бартараф этишда Туркия тажрибасини қўллашдан манфаатдор экани хусусидаги сўзларини келтирган. Ислом Каримовнинг «Терроризм мафкураси, уни режалаштирувчи ва молиялаштирувчи марказларга қарши курашиш лозимлиги» тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари тўлиқ қўллаб-қувватланган.

Туркияда чоп этиладиган нуфузли «Миллият» газетаси «Ўзбекистоннинг халқаро терроризмга қарши курашдаги аҳамияти беқиёсдир», деб таъкидлайди.

Олий даражадаги Ўзбекистон — Туркия битимлари мамлакатнинг ишбилармон доираларида ижобий акс-садога сазовор бўлди. Хусусан, «Тюркиш дейли ньюс» газетасида Р.Эрдоганнинг қуйидаги баёноти келтирилади: «турк ишбилармонлари учун Ўзбекистон Марказий Осиёдаги товар ишлаб чиқариш ва савдо марказига, Туркия эса ўзбек товарларининг жаҳон бозорига чиқиш жойига айланиши мумкин».

Самарқандга бўлган зиёрат тўғрисидаги саволларга жавоб берар экан, Р.Эрдоган шу пайтгача фақат китоблардагина мутолаа қилган цивилизациянинг гувоҳи бўлиш имкониятига эга бўлганини таъкидлади. Шу жумладан у ўзбек халқи ушбу маданий меросни келажак авлод учун ҳам сақлаб қолишига ишонч билдирди.

«Жаҳон» АА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ҳеч ёдимдан чиқмайди: Ислом Каримов кибрлари баланд, керак бўлса, унча-мунча президентларниям менсимайдиган, қўли истаган жойга етадиган бу миллионерлар олдида тортиниб-қимтиниб эмас, балки эмин-эркин, қўлларини силкиб гапирар, овозидаги қатъийлик шундоққина сезилиб турарди. Баъзилари оёқларини чалкаштириб чекиб, баъзилари ўзаро суҳбатлашиб ўтирган бу одамлар орадан беш дақиқа ўтар-ўтмас сергаҳ тортиб, нигоҳларини ўртадаги стол олдида типпа-тик туриб сўзлаётган Каримовга йўналтиришганди.

Бир соатга мўлжалланган ушбу учрашув алламаҳалгача давом этди.

— Ушбу мароқли мулоқот туфайли Ўзбекистонни кашф қилдик, — деганди ўшанда мен билан суҳбатда учрашув иштирокчиси — «Ньюмонт Майнинг корпорейшн» раиси Гордон Паркер.

Эртасига Президентимизга ажратилган машина Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош қароргоҳи ёнида тўхтайди... Биз — делегация аъзолари мажлислар залидаги махсус ажратилган ўриндиқларга жойлашамиз. Бу пайтда иккинчи қаватда — Бош Ассамблея офисида Ислом Каримов ушбу ташкилотнинг ўшандаги Бош котиби Бутрос Ғолий билан учрашиб, ярим соатча мулоқот ўтказади. Ҳа, улар илк маротаба кеча учрашишганди. Бутрос Ғолийнинг ҳузурига кирган Президентимизнинг диққатини, аввало, Бош котиб кабинети деворида осиғлик турган харита тортади. Унда, ҳатто Африкадаги энг кичик давлатлар ҳам бору, Марказий Осиёда жойлашган мамлакатлар, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам йўқ экан. Ва Президентимиз Бош котибга юзланади: «...Нега шундай? Ахир бизлар ҳам шу ташкилотнинг аъзоларимиз-ку?» У эса «Кечирасиз, жаноб Каримов, эски харита бу, албатта алмаштирамиз», дейди хижолатдан қизариб.

Ҳа, Бутрос Ғолий сессияга келган давлат бошлиқлари шарафига уюштирган зиёфат чоғида АҚШнинг ўшандаги Президенти Билл Клинтон Ислом Каримов билан учрашиб, анча суҳбатлашганди...

Ва ниҳоят, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбаридан ўзбекча сўзлар янграйди: «Ассалому алайкум, ҳурматли хонимлар ва жаноблар...» Ислом Каримов ўз маърузаси муқаддимасини она тилида айтади. Президентимиз уни охиригача ўзбекча ўқиши мумкин эдию, аммо бунинг иложи йўқ, сабаби БМТда ушбу ташкилотнинг расмий тиллари — инглиз, француз, испан, хитой ва рус тилларида сўзлаш қоидаси жорий этилган.

Президент нутқида, аввало, Ўзбекистоннинг тарихию бугуни ҳақида, буюк боболаримиз Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Навоий, Улуғбеклар ҳақида гапирди.

Сўнг қатор таклифларни ўртага ташлайди:

«Ўзбекистон Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича БМТнинг доимий ишловчи семинари чақирилишини айни муддао деб ҳисоблайди. Тошкент ана шундай семинар ўтказиладиган жой бўлишига тайёр...

Юзага келаётган халқаро можароларни таҳлил қилиш ва оқибатини белгилаш бўйича БМТ Хавфсизлик Кенгаши ҳузурида махсус гуруҳ ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир...»

Ўша куни Ислом Каримов БМТ фаолиятини янада жонлантириш юзасидан бир қатор дадил фикрлар билдирди. Залда ўтирган кўпчилик сиёсатчилар унинг маърузасини «энг ёрқин нутқ» деб эътироф қилишади.

Нью-Йоркдан Тошкентга қайтаётганимизда самолётда мулоқот чоғида Ислом Каримов шундай деган эди:

— БМТда ўзбекнинг овози янграши муқаррар эди ва ушбу тарихий воқеа, мана, ниҳоят содир бўлди! Юрагида ўти, миллий ғурури бор ҳар бир ўзбек каби менинг ҳам бу оламшумул воқеадан қалбим севинчга тўлди... Шундай кун бугун келмаса, эртага, албатта, насиб этарди. Чунки заҳматкаш халқимиз шунга минг маротаба лойиқдир.

— Ташрифдан кўнглингиз тўлдими, — дея сўрагандим ўшанда.

— Ушбу сафарнинг муддати қисқа, аммо масъулияти ақл бовар қилмас даражада улкан эди. Чунки Ўзбекистон раҳбари ҳали жаҳон у қадар яхши билмайдиган ўз мамлакати, халқини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти орқали тарихда биринчи маротаба дунёга танитиши керак эди. Менимча, бу вазифа кўнгилдагидек адо қилинди...

Ташриф давомида БМТ Бош котиби, АҚШ Президенти билан бўлган суҳбатларда нафақат ўзаро ҳамкорлик масалалари, балки жаҳондаги, хусусан, Марказий Осиёдаги воқеаларни атрофлича таҳлил қилдик. БМТ Бош котибининг, АҚШ Президентининг Ўзбекистон раҳбаридан ҳам маслаҳат сўраганлари, аввало, мамлакатимизни том маънода мустақил, тенг ҳуқуқли деб тан олинганлигининг исботидир.

Ўзбекистон Президенти кейинчалик — БМТнинг 50-сессиясида сўзлаган нутқида ҳам қатор муаммоларни кўтариб чиқди. Афғонистонда халқаро террорчилар ин қўяётгани, бу эса нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки бутун дунёга катта хавф солишини таъкидлади. Шунингдек, гиёҳванд моддалар савдосига қарши кураш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш, Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона деб эълон қилиш юзасидан ҳам таклифларни ўртага ташлади.

Ислом Каримовнинг минтақамиз хавфсизлиги, айниқса, Афғонистон муаммосини ҳал этиш борасидаги ташаббуси БМТ шафеълигида «6+2» гуруҳи ташкил этилишига асос бўлди. Гуруҳнинг 1999 йилда Тошкентда ўтган йиғилишида Афғонистондан мухолиф томонлар илк бор бир даврага тўпланишувди. Ушбу мажлис якунида қабул қилинган «Афғонистондаги зиддиятни тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий тамойиллари тўғрисида»ги Тошкент декларациясига БМТ Бош Ассамблеяси узоқ муддатга мўлжалланган сиёсий ҳужжат мақомини берувди.

БМТнинг «Мингйиллик саммити»да эса Ўзбекистон Президенти ушбу халқаро ташкилот фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун Хавфсизлик Кенгаши сафини тағин-да кенгайтириш лозимлигини таъкидлаб, шундай деганди:

— Хавфсизлик Кенгашини босқичма-босқич ислоҳ қилиш лозим. Унинг доимий аъзолари таркибини нафақат ривожланган, балки ривожланаётган давлатлар ҳисобидан ҳам кенгайтириш керак. Хавфсизлик Кенгашининг ҳам доимий, ҳам муваққат аъзолари сонини ошириш мақсадга мувофиқдир. Биринчи қадам сифатида унинг доимий аъзолиги сафига жаҳон сиёсатида муҳим роль ўйнаётган Германия ва Японияни киритишни таклиф қиламан...

Ташкил этилган йили (1945) 51 та давлатни бирлаштирган бўлса, эндиликда 191 давлатни «қамраб олган» БМТ фаолиятида сўнгги ўн йил давомида бир қатор ўзгаришлар, аниқроғи, ислоҳотлар юз берди.

Бу хусусда Бош қароргоҳдан атрофлича маълумот олдик. БМТнинг 1993 йил охирида тайёрланган тараққиёт дастурига биноан шу кунгача 110 дан зиёд лойиҳа ва дастур ишлаб чиқилиб, тўлатўкис амалга ошибди. «Мингйиллик саммити»да қабул қилинган Декларацияда атроф-муҳитни, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қашшоқлик даражасини пасайтириш, очарчилик, турли хасталикларга қарши кураш, тинчлик ва хавфсизликни тағин-да мустаҳкамлаш юзасидан бажарилиши лозим бўлган аниқ юмушлар ўз аксини топди. БМТ Котибияти ўз фаолиятида худди шу Декларацияда қайд этилган вазифаларга таянмоқда. То 2015 йилгача ҳар йили бу вазифалар қай даражада амалга ошгани бўйича ҳисоботлар тингланиб, махсус маърузалар чоп этиб борилади.

Тинчлик ўрнатиш юзасидан амалга оширилган тадбирларнинг мазмун-моҳиятини янада кучайтириш бўйича 1999 йилнинг охирида — «Мингйиллик саммити» арафасида махсус танлаб олинган экспертлардан иборат кенгаш тузилганди. Кенгаш томонидан тайёрланган ҳужжат — «Брахими маърузаси» (у кенгаш раиси Лаходир Брахими шарафига шундай деб номланганди) БМТга аъзо давлатларга тарқатилди. Унда тинчлик ўрнатиш юзасидан ўтказилаётган аксарият тадбирлар номигагина ташкил этилаётгани ва шу боис ҳам улар ҳеч қандай натижа бермаётгани, бундан буён бу борада пишиқ-пухта режа тузилиши, шунингдек, ушбу тадбирларда махсус тайёргарликдан ўтган, тегишли воситаю жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган қўшинлардан фойдаланиш лозимлиги алоҳида таъкидланган эди. Юқорида айтилган маърузадан сўнг Бош Ассамблеянинг тинчлик ўрнатиш бўйича Департаменти хизматчилари сони эллик фоизга кўпайтирилди, БМТнинг Бриндизи (Италия) даги моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун 150 миллион доллар ажратилди.

2001 йилнинг 11 сентябридаги воқеалар, шунингдек, Афғонистонда толиблар тузумининг тугатилиши муносабати билан халқаро ҳамжамият БМТга жойларда сиёсий келишув тузилишида воситачи бўлишини сўраб мурожаат қилганди. Натижада Афғонистонга одатдагидай «яшил каскалар» — тинчлик ўрнатувчи ҳарбийлар жўнатилмай, ушбу мамлакатдаги сиёсий ва гуманитар кучларни бирлаштириш мақсадида БМТнинг Афғонистонга кўмаклашувчи миссияси ташкил этилганлиги айни муддао бўлди.

Шу ўн йил давомида БМТ девонида ҳам катта ислоҳотлар қилинди. Аввало, фаолияти такрорланувчи бўлинмалар тугатилди, ҳисобот ишларини тартибга солиш мақсадида махсус гуруҳ ташкил этилди. Кадрлар танлаш услуби ҳам кескин ўзгартирилди: эндиликда БМТ девонию бўлинмаларига ишга қабул қилинаётганлар ниҳоятда мураккаб синовлардан ўтадиган бўлишди. Ҳар бир Дастур раҳбари БМТ Бош котиби билан тузилган шартномага асосан ўзи мустақил равишда кадр танлаш ҳуқуқига эга бўлди. Бир қатор янги тизимлар, масалан, иқтисод ва ижтимоий масалалар департаменти, жиноятчиликнинг олдини олиш, суд, шунингдек, гиёҳванд моддаларни назорат қилиш халқаро Дастурининг гиёҳванд моддалар ҳамда жиноятчилик бўйича бошқармаси ташкил этилди. Инсон ҳуқуқлари Маркази эса инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссар бошқармаси таркибига киритилди. Бундан ташқари, БМТнинг ўттизта департаменти, жамғарма ва дастури тинчлик ва барқарорлик, гуманитар муаммолар, тараққиёт, иқтисодий ва ижтимоий масалалар деб номланган тўртта гуруҳга бўлинди. Ушбу гуруҳлар ишини бошқариб бориш мақсадида ижроия қўмиталар ташкил этилди (1997 йилнинг январида). Кейинчалик ушбу қўмиталар Бош котиб девони билан бевосита боғланди...

Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ўтказилган ислоҳотлар, табиийки, аввало, 1996 йилнинг декабрида Бош котиб этиб сайланган Кофи Аннаннинг саъй-ҳаракатлари туфайли амалга оширилди. Шу боис ҳам унга — БМТ тарихидаги еттинчи Бош котибга тинчлик бўйича Нобель мукофоти берилди (2001 йилда). Аммо шуниям мамнуният билан таъкидлаш лозимки, жаҳон ҳамжамияти жуда катта баҳо берган БМТдаги ушбу бурилиш жараёнида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан киритилган таклиф ва мулоҳазалар ҳам беқиёс аҳамият касб этди. Буни 2002 йилнинг октябрида Ўзбекистонга ташриф буюрган Кофи Аннан ҳам эътироф этувди.

Шунгача Ўзбекистонга ҳам, Марказий Осиёга ҳам БМТ раҳбарлари умуман келишмаганди. Тўғри, Кофи Аннаннинг ўша ташрифи бутун Марказий Осиёга «тегишли» эди, аммо шуниси диққатга сазоворки, Бош котиб ўз сафарини бизнинг юртимиздан бошлади. У мамлакатимизда уч кун бўлди, Тошкентдан ташқари Самарқанду Бухорога ҳам қадам ранжида қилди.

Бош котиб «Дўрмон» қароргоҳида Ислом Каримов билан учрашиб, мулоқот ўтказгач, матбуот анжуманида жумладан шундай деган:

— Тошкентни кўриб, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида БМТга аъзо бўлганидан кейин қай даражада тараққий этганига гувоҳ бўлдик. Ушбу ўзгаришлар мамлакатингизда мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик ҳукм сураётганига яққол далилдир.

БМТ Ўзбекистоннинг минтақада ва сайёрамизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган ташқи сиёсатини ҳамда бу борада халқаро ҳамжамият билан фаол ҳамкорлигини қўллаб-қувватлайди.

Кофи Аннан Ўзбекистон билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўртасидаги муносабатлар шиддат ила ривожланаётганидан мамнунлигини изҳор этиб, келгусида улар янада кенгайишига умид билдирганди.

— Ва, дарҳақиқат, шу ўтган бир йил давомида ушбу алоқалар ниҳоят даражада юксалди, — дейишди бизга БМТдагилар.

Улар билан хайрлашиб, ташқарига чиқанимизда, Бош қароргоҳ ёнидаги байроқлар яна диққатимизни тортади. Ҳув ана, Ўзбекистон байроғи... Президентимизнинг БМТга 1993 йилги илк сафари якунида айтган гапи ёдимга тушади.

— Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси узра ҳилпираётган байроғимизни кўрганингизда кўнглингизда дастлаб нималар кечди? — деган саволимга Ислом Абдуғаниевич шундай жавоб қилганди:

— Гарчанд мен ўзимни қаттиққўл одам ҳисобласам-да, байроғимизни кўрибоқ кўз ёшларимни тия олмадим. Биласизми, овозимни баралла қўйиб ҳайқиргим келди: «Мана, кўринглар: бу биз — ўзбекларнинг байроғи! Мана, кўринглар, дунёдаги бош халқаро ташкилот остонасига, ниҳоят, бизнинг ҳам қадамимиз етди!» дея.

Байроғимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси узра мағрур ҳилпирай бошлаган кун (1992 йил 2 март. Ўша куни мамлакатимиз БМТ сафига қабул қилинганди) мустақиллигимизни дунё тан олганининг исботи эди. Бугун БМТ биноси олдида мустақил давлатлар байроқлари қаторида Ўзбекистонимиз байроғи ҳам ҳилпираб турибди.

Байроғимиз Ўзбекистонни буюк давлатга айлантириш йўлида кўзимизга нур, белимизга қувват бағишлаб, бир-биримизни янада жипслаштирадиган улуғ рамздир...

Анвар ЖЎРАБОЕВ,
«Марказий Осиё маданияти» халқаро газетасининг бош муҳаррири
Тошкент — Нью-Йорк — Тошкент, ноябрь, 2003 йил.

Суратларда: БМТ Бош қароргоҳи. БМТ узра Ўзбекистон байроғи ҳам ҳилпираб турибди.

Суратларни муаллиф олган.

ЭЛЧИХОНАНИ ЁПМАСЛИККА ҚАРОР ҚИЛИНДИ

Ироқ ўзининг Озарбайжондаги элчихонасини ёпмайдиган бўлди. Бу ҳақда элчихона матбуот хизмати «Интерфакс» журналистларига маълум қилди.

Аввалроқ молиявий етишмовчилик сабаб Ироқ маъмурияти 30 та мамлакатда ўз элчихонасини ёпишни расмий эълон қилган эди. Эндиликда ўзаро келишувга кўра, Озарбайжонда элчихона фаолияти давом эттирилади.

XORIJDA

МАСАЛА КЎРИЛМОҚДА

Литва Президенти ва унинг атрофидагилар халқаро жиноятчилар гуруҳига, жумладан, Россия мафиясига алоқадорликда айбланмоқдалар.

Reuters берган хабарга кўра, мазкур ишни текшириш учун махсус комиссия тузилган. 12 нафар мустақил ҳуқуқшунос ва сейм (парламент) вакили унинг таркибига киритилган. Комиссия айбловнинг барча 6 та пунктини ҳам асослаш билан шуғулланади.

Қонун бўйича Президентни истеъфога чиқариш учун 86 нафар парламентчи овоз бериши лозим. Ва айнан шунча депутат импичмент ташаббускори бўлди.

ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

Эрон Ислом Республикаси ниҳоят Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг қўшимча протоколига имзо чекди, дея хабар беради «Новости» агентлиги. Уни имзолаш маросими БМТнинг Атом энергияси бўйича халқаро агентлиги (МАГАТЭ)нинг Венадаги штаб-квартирасида бўлиб ўтди. У Эроннинг МАГАТЭдаги вакили Али Акбар Солих ҳамда МАГАТЭ директори Муҳаммад ал-Барадей томонидан имзоланди.

Эндиликда МАГАТЭ вакиллари имзоланган мазкур ҳужжат ваколатига кўра, Эрондаги ядро объектларида аввалдан огоҳлантирмасдан кутилмаганда текширув ўтказишлари мумкин (протоколда белгиланишича, фақат инспекция келишига 2 соат қолганда огоҳлантирилади).

29 ДЕКАБРГА БЕЛГИЛАНДИ

Россия давлат думасининг тўртинчи чақириқ биринчи мажлиси шу йилнинг 29 декабрига белгиланди. Яқинда давлат думасига бўлиб ўтган сайловларда ғолиб чиққан тўрт партия ва блок вакиллари мажлисда кўриладиган масалаларни муҳокама этдилар. Жумладан, мажлисда депутатлар спикер ва унинг ўринбосарларини сайлайдилар, шунингдек, парламентнинг қуйи палатаси тузилишини кўриб чиқадилар.

Шу нарса маълумки, янги дума таркибидаги қўмиталар сони ўзгаришсиз қолади. У аввалги думада 28 та эди. Фақат уларнинг номлари ўзгартирилади ва вазифалар қамрови бир оз кенгайтирилади.

ЧЕГАРАДА ХАВФСИЗЛИК «БЕЛБОҒИ»

Қувайт Ироқ чегарасига хавфсизлик «белбоғи» қуришни бошлади. Қувайт ички ишлар вазири шайх Наваф ал-Сабаҳ амирлик Миллий мажлиси (парламент)да сўзга чиқаркан, бу ҳақда маълум қилди. Унинг айтишича, чегарани мустаҳкамлаш ҳақида мамлакат Ички ишлар вазирлигига, Мудофаа вазирлигига, чегара хизматига ва амирлик гвардиясига ҳукумат томонидан топшириқ бўлган.

Чегарага хавфсизлик «белбоғи»ни қуришдан мақсад, амирлик ҳудудига ноқонуний «ташриф»ларнинг ва контрабанданинг олдини олишдир.

Қувайтнинг Ироқ билан чегараси 276 километрни ташкил этади. Эндиликда шу масофанинг барчасида темир тўсиқлар, ҳандақлар яна тикланади. Махсус ўтиш жойлари эса кузатув-текширув мосламалари билан таъминланади.

Аслида чегарадаги хавфсизлик «белбоғи» 1991 йилда тикланган. Шу йил мартда эса АҚШ ва Буюк Британия ҳарбий қўшинлари бронетехника ва ҳарбий кучлар ҳаракатланиши учун чегарадаги токли тўсиқларни бузиб, 27 та ўтиш жойи жорий этишган эди.

Қувайт маъмурияти шу йил августдан махсус рухсатномасиз амирлик фуқароларининг Ироққа боришини тақиқлаган. Ўз навбатида ироқликларнинг ҳам Қувайтга ўтиши тақиқланган.

ЎЛИМГА МАҲКУМ ЭТИШ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев мамлакатда ўлимга маҳкум этиш жазоси бўйича муддатсиз мораторий эълон қилиш ҳақидаги фармонга имзо чекди.

«Новости» агентлигининг хабар беришича, бу ҳақда Президент маъмурияти раҳбарининг ўринбосари Игорь Рогов жамоатчиликка маълум қилган. Унинг айтишича, «Қозоғистонда ўлим жазоси тўлиқ бекор қилиниши борасидаги масала бўйича бирор қарорга келингунча» мораторий жорий этилган.

Фармонда ёзилишича, яқин кунларда Қозоғистон ҳукумати 2004 йил 1 январдан ўлим жазосини умрбод қамоқ жазоси билан алмаштиришни кўзда тутувчи янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш устида иш бошлайди.

Рогов шуни таъкидладики, Қозоғистон дабдурустдан мораторий эълон қилиш ҳақидаги қарорга келгани йўқ, балки бу республикада ўлим жазосини бекор қилиш борасидаги босқичма-босқичли кўп йиллик дастурнинг амалиёти натижасидир. Раҳбарият олий жазони бекор қилиш борасидаги имконият ва унинг истиқболини чуқур ўрганиб чиқади.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, жаҳон ҳажамияти талаби билан ўлим жазосига мораторий жорий этган айрим мамлакатлар барибир бу мораторийни бекор қилмоқда. Жумладан, шу ой бошларида Филиппин Президенти мораторийни бекор қилишга мажбур бўлган. Бунга сабаб: мамлакатда яна одам ўғирлаш бошланганлигидир.

ХИТОЙ ҚОЗОҒИСТОНДАН ЕРНИ ИЖАРАГА ОЛМОҚЧИ

Қишлоқ хўжалиги учун ер етишмаётганлиги сабабли Хитой ҳукумати эндиликда 17,3 минг акр ерни фермер хўжалиги учун Қозоғистондан ижарага олишни мўлжаллаб турибди.

China Daily газетасида ёзишларича, бу борада ўзаро шартномалар имзоланган. Унга кўра, Алакўл туманидан 10 йил муддатга ер ажратилган. Бироқ шартномалар қачон ва қанча суммага тузилганлиги ҳақида ҳозирча ҳеч нарса дейилмаяпти.

Шу кунларда соя, буғдой ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳамда чорвачилик билан шуғулланиш учун 3 минг нафар хитойлик фермерни Қозоғистонга жўнатиш режалаштирилмоқда.

ТАДБИРКОРЛАР, ИШБИЛАРМОНЛАР, ХОРИЖИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ ИНВЕСТОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 августдаги 350-сонли «Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат Қўмитаси «Балиқчи» акциядорлик жамиятининг устав фондидаги 27,37 фоиз давлат активидаги акция пакетларини сотиш бўйича 2004 йил 6 январь соат 11⁰⁰ да танлов савдоси ўтказилишини маълум қилади.

Ўтказиладиган танлов савдосининг шартлари этиб қўйидагилар белгиланган;

— «Балиқчи» акциядорлик жамиятининг устав фондидаги 27,37 фоизлик давлат актив акция пакетини сотиб олиш бўйича танлов савдоларида иштирок этиш учун сотилиши белгиланган акция пакетининг бошланғич баҳосидан 5 фоиз (1920,1 минг сўм ёки 1971,26 АҚШ доллари) миқдорида қўмитанинг ҳисоб рақамига кафолат маблағи тўлаш;

Қўмита ҳисоб рақамлари: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Тошкент шаҳар бошқармаси, Ҳисоб касса маркази (21508000500600289001, МФО 00014, ИНН 201122696 махсус ҳисоб рақами ёки 21508840000600289002, МФО 00014, ИНН: 201122696 махсус валюта ҳисоб рақами).

— сотилиши белгиланган 27,37 фоизлик давлат активи акция пакетини сотиб олиш учун энг юқори баҳони таклиф қилиш;

— акциядорлик жамиятини иқтисодий ривожлантириш бўйича бизнес-режа тақдим этиш;

— акциядорлик жамиятининг бюджетдан ташқари кредиторлик қарзларини тўлаш;

— акциядорлик жамиятини қисқа (1-2 йил) муддатда янги технологик ускуналар билан жиҳозлаш ва молиявий аҳволини янада яхшилаш бўйича қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;

— хорижий корхонанинг Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинганлиги (легализация қилинганлиги)ни тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхасини тақдим қилиш.

Танлов савдосида иштирок этувчи сармоядорлардан таклифлар 2004 йил 5 январь соат 18⁰⁰ га қадар қабул қилинади.

Ўтказиладиган танлов савдолари шартлари бўйича қўйидаги манзилга, яъни 700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитасига 139-22-50, 139-20-66, 139-21-81 телефонлари орқали мурожаат этиш мумкин.

Мухбиримиз Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали директори Асқар ТОЛИБЖОНОВ билан пойтахтимизда олиб борилаётган ишлар хусусида суҳбатлашди.

БОЛАЛАР СПОРТИ — ЖИСМОНИЙ ВА МАЪНАВИЙ СОҒЛОМЛИК АСОСИ

— Асқар ака, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилганидан буён орадан бир йилдан кўпроқ вақт ўтди. Шу давр мобайнида жамғарманинг Тошкент шаҳар филиалида қандай ишлар амалга оширилди?

— Даставвал ишни пойтахтимиздаги барча туманларда болалар спортини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича етакчи мутахассислар тайёрлаш ҳамда уларнинг ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратишдан бошладик. Туман ҳокимлари бошчилигида ишчи гуруҳлари тузилиб, ҳомий ташкилотлар, маҳалла оқсоқоллари, таълим муассасалари раҳбарлари билан биргаликда бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди. Тошкент шаҳрида болалар спортини ривожлантиришнинг 2003-2005 йилларга мўлжалланган дастури яратилди.

Шунингдек, спорт залига эга бўлмаган умумтаълим мактаблари, ўқув юртлари учун спорт заллари қуриш, мавжуд спорт залларини таъмирлаш бўйича 2004-2008 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилди. 2003-2005 йилларда спортнинг қайси турларини ривожлантиришни аниқлаш бўйича илмий таҳлиллар ўтказилди. Умумтаълим мактаблари, коллеж ва академик лицейлар, олий ўқув юртларида спорт турлари бўйича қўшимча тўгараклар очиш масаласи кўриб чиқилди. Айни чоғда мазкур дастурлар бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ёшларнинг хоҳиш ва истакларини инобатга олиб, улар ўртасида сўровлар ўтказдик. Сўровда қатнашганларнинг аксарияти янги спорт тўгараклари очилишига ижобий фикр билдирган. Шуни назарда тутиб, ўтган қисқа фурсат ичида спортнинг 21 тури бўйича 52 та янги секция очилди. Ҳозир мазкур янги спорт тўгаракларида 7154 нафар ўғил-қиз шуғулланмоқда.

Ўтган бир йилдан ортиқ вақт ичида таълим муассасаларидаги спорт мажмуаларининг 75 таси таъмирланди. Мавжуд 317 та мактабда спорт иншоотлари ҳолати таҳлил қилинганда 81 та мактабда 2 тадан спорт зали борлиги билан бир қаторда 17 мактабда уларнинг умуман йўқлиги маълум бўлди. Бундан ташқари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги 120 та ўқув муассасасидан 32 тасининг спорт заллари жорий ва 20 тасининг спорт зали капитал таъмирга муҳтожлиги аниқланди.

— Болалар спортини ривожлантиришни оммавий ҳаракатга айлантириш нималарга боғлиқ деб ўйлайсиз?

— Қачонки, ота-она жисмоний тарбия ва спортнинг моҳиятини англаса, кўзлаган мақсадимизда етамиз. Бунинг учун эса тарғибот ишларини кучайтиришимиз зарур. Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорида аниқ кўрсатмалар берилган. Шу боис, барча тадбирларни Тошкент шаҳар «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими, шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда бошқа давлат, нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказишга ҳаракат қилаяпмиз.

Шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ҳамда Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари саъй-ҳаракатлари билан туманлар мактаблари, коллеж ва билим юртлари спорт заллари-ни таъмирлаш бошлаб юборилган. Ҳозиргача Собир Раҳимов туманидаги 326-, 11-, Чилонзор туманидаги 270-, Шайхонтоҳур туманидаги 38-, 45-, Сирғали туманидаги 271-, Мирзо Улуғбек туманидаги 241-мактаб, Хотин-қизлар коллежи, Турсун Хўжаев номидаги билим юрти спорт заллари қайта таъмирдан чиқарилди. Бундан ташқари, шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ, бу борада энг яхши иш олиб бораётган жамоалар ўртасида «Энг намунали спорт зали ва майдонига эга бўлган мактаб, билим юрти» танловини ўтказаяпмиз.

Мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, спорт фидойилари, фахрий спортчилар, педагог-тарбиячиларни маҳаллаларда оммавий спорт тадбирларига, мураббийлик ишларига жалб этаяпмиз. Шунингдек, шаҳримиздаги мавжуд пуллик йирик спорт мажмуаларида маҳаллалар оқсоқоллари тавсияларига мувофиқ кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бепул шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратдик. Маҳаллаларда таниқли спортчилар билан учрашувлар, «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи», «Футболимиз келажаги», «Биз ёш пахтакорчилармиз», «Оммавий югуриш марафони» деб номланган мусобақалар болалар спортини оммавий спортга айлантиришда муҳим аҳамият касб этаяпти.

Ўтган вақт мобайнида ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун ҳомий ташкилотлар томонидан 26 миллион 692 минг сўм миқдорида маблағ ажратилди. Республика футбол федерацияси ҳамда «Соғлом авлод» жамғармаси томонидан футбол тўплари, спорт кийимлари ва велосипедлар тақдим этилди. Бундан ташқари спорт кийимлари ҳамда анжомлари ишлаб чиқарадиган корхоналар билан шартномалар тузилди.



Энг муҳими, жамғарманинг саъй-ҳаракатлари билан Халқаро иқтисодиёт ва дипломатия университети қошида индивидуал спорт мажмуаси бунёд этилди. Мажмуа ёпиқ сув ҳавзаси, тренажёр зали ва теннис кортини ўз ичига олган. Бу каби шинам ва замонавий болалар спорт мажмуалари, шунингдек, Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти қошида, Мирзо Улуғбек тумани Файзулла Хўжаев маҳалласида ҳам қуриб фойдаланишга топширилди. «Умид» болалар спорт мажмуи эса бугун-эрта фарзандларимиз ихтиёрига берилади. Мирзо Улуғбек тумани «Яланғоч» дарёсида қисқа фурсатда қуриб битказилган бу спорт иншоотида бир пайтнинг ўзида 900 нафарга яқин ўғил-қиз баскетбол, қўл тўпи, волейбол, мини-футбол, сузиш сингари бир қатор спорт турлари билан шуғулланишлари мумкин. Ушбу спорт мажмуасини барпо этиш учун 900 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Болалар учун замонавий спорт мажмуалари барпо этишда тадбиркорлар ва ҳомийлар ҳам катта ҳисса қўшишмоқда. Бунга мисол, Юнусобод тумани 15-мавзеси «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалласида «Ўзбекистон овози» газетаси оталиғида янги болалар спорт мажмуи фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Сирғали тумани Ахматова кўчасидаги теннис корти, Собир Раҳимов туманидаги 1-Мурувват уйи спорт мажмуаларининг бунёд этилишида ҳам саховатпеша ҳомийларнинг салмоқли улушлари бор. Бугун мамлакатимиз миқёсида болалар спортини ривожлантириш мақсадида олиб борилаётган бу сингари кенг кўламли ишлар келажакда ўз самарасини беради, албатта.

Эркин ХОЛБОБО суҳбатлашди

Суратларда: Мирзо Улуғбек туманида бунёд этилган «Умид» болалар спорти мажмуаси.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.

Спорт

ОЛИМПИАДАГА ЙЎЛЛАНМАЛАР

Янги — 2004 йил спорт ишқибозлари учун ҳам оламолам қувонч бағишлайди. Негаки, Греция пойтахти Афинада навбатдаги Олимпиада машъаласи порлайди. Шу кунларда мезбонлар катта спорт байрами қатнашчилари ва меҳмонларини кутиб олиш учун қизғин ҳозирлик кўришмоқда.

Ҳар тўрт йилда бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинларида иштирок этиш барча спортчининг орзуси. Ҳозир халқаро турнир ва чемпионатларда энг нуфузли спорт байрами иштирокчилари номи аниқланмоқда.

Мамлакатимиздан шу пайтгача йигирма нафар ҳамюртимиз Афинага борадиган бўлди. Мана улар: велоспортчи С.Лагутин, сузувчилар А.Агафонов, О.Пухнатый, А.Васильев, Р.Начаев, енгил атлетикачи С.Войнов, Л.Перепелова, Г.Хуббиева, А.Журавлева, В.Смирнов, спорт гимнастикачи О.Чусовитина, эркин курашчилар Д.Мансуров, А.Таймазов, Д.Захартдинов, дзюдочи Э.Акбаров, юнон-рум кураши бўйича А.Чеглаков, трамполин бўйича Е.Хилько, оғир атлетика мусобақаларида И.Халилов, А.Ўринов ва Б.Усмонов. Улар мамлакатимиз шарафини ҳимоя қиладилар.

Равшан ШОДИЕВ

Интер-спорт

КЛИЧКОЛАР ЧЕМПИОНЛИКНИ КЎЗЛАШМОҚДА

Шу йилнинг 8 мартига қадар кўпгина бокс мутахассислари Владимир Кличкони Леннокс Льюис анъаналарини давом эттираётган спортчи, деб баҳолашарди. Лекин, Владимирнинг Жанубий африкалик Корри Сандерсдан мағлубиятга учраши бундай фикрларга нуқта қўйди. Албатта, кўпчилик Кличконинг қобилиятидан умидвор эди. Август ойида Владимирнинг аргентиналик Фабио Моли билан жанги эса (бор-йўғи 100 сония давом этган) украиналик боксчи учун қимматга тушди. У Молининг кучли зарбасини ўтказиб юборганидан кейин кураш тўхтатилган эди. Шунинг учун ҳам америкалик 36 ёшли Николсон билан Владимир ўртасидаги жангнинг қандай ўтиши кўпчилкни ўйлантирарди.

Ака-ука Кличколарнинг тайёргарликни янги мураббий Фреди Роача билан ўтказишлари самарали кечди. Хусусан, Виталий Кличко ҳеч қандай қийинчиликларсиз канадалик Кирк Жонсонни нокаутли зарба билан мағлубиятга учратди. Акаси Владимирнинг ҳам ҳаракатларида ижобий ўзгаришлар юз берди. Николсон билан жанги қизиқарли кечди. Николсон бу учрашувда илгари лат еган қош-қовоқни мўлжалга олишга уринди. Владимир эса кескин ҳужумга ўтиб, техник нокаут ҳисобида ғалабага эришди. Ҳозир ака-ука Кличколар келаси йили чемпионлик камарини қўлга киритишни мўлжаллашмоқда.

ПЕЛЕНИНГ ИЗДОШЛАРИ

Ўтган ҳафтанинг энг қизиқ воқеаларидан бири Бирлашган Араб Амирлигининг пойтахти Абу-Дабида юз берди десак, муболаға бўлмайди. Бу ерда ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон футбол чемпионатининг совриндорлари аниқланди. Ҳал қилувчи учрашувни Испания жамоаси билан ўтказган Бразилия футболчилари ғалаба нашидасидан бахраманд бўлишди. Учинчи ўрин эса Колумбия терма жамоасига насиб этди. Улар Аргентина футболчиларини енгиб, чемпионатнинг бронза медалини қўлга киритишди. Ҳозир футбол мутахассислари Бразилия ёшлари орасида келажакда қандай юлдузлар камол топиши мумкинлиги ҳақида ўйлашмоқда.

«МУЛКДОР ВА ДАВР»

«Қашқадарё»газетаси таҳририяти «Мулкдор ва давр», деб аталган махсус илова ташкил этди. Мазкур илова буюртмачиси — вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси.

Айни пайтда вилоятда 30 мингта кичик ва ўрта бизнес шахобчаси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 34,2 фоизга етди. Газетанинг махсус иловасида тадбиркорликни ривожлантириш, хусусийлаштириш жараёнлари ва бошқа масалалар кенг ёритилиб борилади. Шу билан бирга ҳуқуқий маслаҳатлар ҳам берилади.

Юнус УЗОҚОВ

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Zayniddin MAMADALIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 164

7619 nusxada bosildi

t — Тижорат материали

Topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 24.00

2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

Ҳикматли сўзлар маъноси

КЎЗ — КЎНГИЛ ОЙНАСИ

Бу мақол «Кўнгилда нимаики бўлса, уни кўз шундай билдириб туради; бировнинг кўнглидагини кўзидан уқиб олса бўлади» деган маънони англатади. «Кўз — тарози, Кўнгил — қози» («У ёки бу нарсанинг яхши ё ёмон эканлигини кишига кўриб турган кўзининг ўзи чамалаб, ўлчаб, «айтиб» беради; у ёки бу нарсага нисбатан кўнгилнинг, виждоннинг ўзи ҳукм чиқаради», дейилмоқчи); «Кўз — нурнинг уяси, Кўнгил — сирнинг уяси»; «Кўнгилдаги сирни кўз билдирар»; «Кўз дарди кўринар, Кўнгил дарди кўринмас»; «Кўз бўлмаса, пешона нимани кўради?!» (Бирор киши шундай кўриниб турган нарсани кўрмай, қидира бошласа ёхуд яхши-ёмон нарсани ажрата олмаса, қимматга олиб қўйса, унга киноя тарзида ё таъзир юзасидан шу мақолни айтадилар); «Кўз кўрмагунча, кўнгил тинмас» (Баъзи вақтда кишининг кўнгли бирор нарсага мушаввaш — яъни ташвишли, бесаранжом бўлиб турса, унга ҳар қанча тасалли берилса ҳам, барибир кўнгли ўшанда бўлиб, тинчимай туради. Қачонки ўша нарсани ўз кўзи билан кўрсагина, кўнгли тинчийди. Мазкур мақолда ана шу ҳолат ифода этилган); «Кўз кўрмаса, чароғ ёнмас» («чароғ ёнмас» — меҳр кўзғамас, деган маънода).

КЎЗ — ҚЎРҚОҚ, ҚЎЛ — БОТИР

Бу мақол: «Ҳар қандай иш ҳам аввалига оғир кўринади. Аммо, сен бундан чўчима, ишга кўрқмасдан дадил киришавер, кейин ўзинг қизиқиб кетасан, ишинг ҳам юришгандан-юришиб кетаверади», деган маънода қўлланилади. «Инсон қўли — гул»; «Одамнинг қўли — ҳаётнинг гули»; «Умид ялтироқ, юрак — қалтироқ» («Киши бир яхши умидни орзу қилади-ю, лекин унга киришишга, амалга оширишга дастлаб юраги дов бермай, қўрқоқлик қилиб туради», дейилмоқчи); «Ишнинг боши — бошланғунча»; «Бошланган иш — битган иш».

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

КИМОШДИ САВДОЛАРИ АГЕНТЛИГИ ВА РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ КИМОШДИ ТАНЛОВ ВА БИРЖА САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ.

2004 йил 2,9,16,23,30 январь ва 6,13,20,27 февраль кунлари кимошди савдоларига қуйидагилар қўйилади:

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, лойиҳадаги Г-0,64 м ва Г-38,0 м кўчаларида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га. бўлган 31 та ер майдони.

Ҳар бирининг бошланғич нархи — 640 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Қурувчи» мавзесида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га. бўлган 12 та ер майдони.

Ҳар бирининг бошланғич нархи — 1 648 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Қурувчи» мавзесида жойлашган, сатҳи 0,02 га. бўлган 1 та ер майдони.

Бошланғич нархи — 824 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани 14Б мавзесида жойлашган, сатҳи 0,04 га. бўлган 1 та ер майдони.

Бошланғич нархи — 640 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Спутник» даҳасида жойлашган уй-жой бинолари орасидаги бўш ётган ва ёнган уйларнинг пойдеворлари эгаллаб турган, ҳар бирининг сатҳи 0,03 гектар бўлган қуйидаги ер майдонлари:

Спутник-1 мавзеси, 58- ва 61-уйлар орасидаги, Спутник-9 мавзеси, 11- ва 12-уйлар орасидаги, Спутник-9 мавзеси, 7- ва 8-уйлар орасидаги, Спутник-9 мавзеси, 31-уй ёнида, Спутник-9 мавзеси, 47-уй ёнида, Спутник-1 мавзеси, 60-уй, Спутник-2 мавзеси, 51-уй.

Ҳар бирининг бошланғич нархи — 714 000 сўм.

2004 ЙИЛ 2,9,16 ЯНВАРЬ КУНЛАРИ КИМОШДИ САВДОЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ ҚЎЙИЛАДИ:

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани ҳокимлигига қарашли, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Хизматчи кўчаси, 96-уйда жойлашган «Капитал қурилиш бўлими».

Бошланғич нархи — 689 110 сўм ёки 707,5 АҚШ доллари.

2004 йил 2,9 ва 16 январь кунлари танлов савдоларига қуйидаги объектлар қўйилади:

Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, М.Ашрафий 2-тор кўчаси, 4-уйда жойлашган «МУЗҚАЙМОҚ» давлат унитар корхона мулкий мажмуаси.

Бошланғич нархи — 70 886 000 сўм.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

1. Замонавий халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи корхонани ташкил этиш.
2. Қайта ташкил этилган корхонани замонавий ускуналар билан жиҳозлаш.
3. Корхонанинг мавжуд кредиторлик қарзларини тўлаш муддатлари.
4. Бино ва иншоотларни қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоялар ҳажми.
5. Корхонанинг ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш ҳамда унга бириктирилган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.
6. Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича таклифлар.

Ҳамда Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлимига қарашли Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қаландар кўчаси, 14-уйда жойлашган 60-сонли болалар боғчаси қўйилади.

Бошланғич нархи — 30 247 100 сўм ёки 36 884 АҚШ доллари.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассасасини ташкил этиш.
2. Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил мобайнида сақлаб қолиш.
3. Боғча биносини ва иншоотларни қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш.
4. Қайта ташкил этилган мактабгача ёшдаги болалар муассасасини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш.
5. Боғча биносини ва иншоотларни қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоялар ҳажми.
6. Ўзбекистон республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш.
7. Мактабгача ёшдаги болаларга кўрсатиладиган хизматлар тури ва ҳажми.
8. Хизмат ҳақлари бўйича таклифлар ва имтиёзлар.
9. Қайта ташкил этилган мактабгача ёшдаги болалар муассасасини ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш ҳамда унга бириктирилган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.
10. Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича таклифлар.

Биржа савдоларига қуйидаги объектлар қўйилади:

Сирғали тумани, «Спутник» даҳаси, 6-мавзе, 9-уйда жойлашган «KOMMUNAL QURILISH» давлат унитар корхонаси (мол-мулклари билан)

Бошланғич нархи — 1 308 900 сўм.

Мирзо Улуғбек тумани коммунал фойдаланиш бошқармасига қарашли Мирзо Улуғбек тумани, Дағистон кўчаси, 56-уй манзилгоҳида жойлашган «Қурилиш таъмирлаш корхонаси» (мол-мулклари билан).

Бошланғич нархи — 2 159 900 сўм.

Шайхонтоҳур тумани коммунал фойдаланиш бошқармасига қарашли Шайхонтоҳур тумани, Беруний кўчаси, 617-уйда жойлашган «Таъмирлаш-қурилиш бўлими» шўъба корхонаси.

Бошланғич нархи — 13 482 000 сўм.

1-Тошкент давлат тиббиёт институтига қарашли, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани Хўжаев кўчаси, 42-уйда жойлашган фойдали майдони 5333,0 кв. метр бўлган, 4 қаватли, собиқ 7-сонли ётоқхона биноси.

Бошланғич нархи — 125 334 300 сўм.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий маркази ҳисобида бўлган ULV3L31BDVA015279 рақамли «Нексия» русумли автомобиль кузови.

Бошланғич нархи — 990 286 сўм.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасининг Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 1А-уйда жойлашган хўжалик ҳисобидаги «Ўқув-методик маркази» мулки (биносиз) ва айланма активлари.

Бошланғич нархи — 671 800 сўм.

«SUVQURILISH» ишлаб чиқариш қурилиш-монтаж бирлашмасининг Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Ҳ.Бойқаро кўчаси, 9-уйда жойлашган кичик механизация бошқармаси мол-мулки (биносиз).

Бошланғич нархи — 564 000 сўм.

Сирғали тумани, «Спутник» даҳаси, 6-мавзе, 8-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 441,83 кв.м. бўлган собиқ 6-сонли тиш даволаш поликлиникаси.

Бошланғич нархи — 5 590 800 сўм.

«PENT-UZ» масъулияти чекланган жамият шаклидаги С.Раҳимов тумани, Сағбон кўчаси, 30-берк кўча 79А-уй манзилида жойлашган, Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси низом жамғармасининг 43,5 фоизлик давлат улуши.

Бошланғич нархи — 1 319 330 524 сўм.

Ҳамза тумани, Лисунов кўчаси, 4-даҳа, 22-уй манзилгоҳида жойлашган «XOSIYAT-152» масъулияти чекланган жамиятининг Низом жамғармасидаги 35 фоизлик давлат улуши.

Бошланғич нархи — 4 678 200 сўм.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Илмий-техник тараққиёти мувофиқлаштириш кенгаши ҳузуридаги Фан ва технологиялар марказининг Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Х.Сулаймонова кўчаси, 29-уй манзилгоҳида жойлашган шўъба корхона шаклидаги «NITEX» замонавий ахборот технологиялари агентлиги.

Бошланғич нархи — 947 000 сўм.

Тошент шаҳри, Чилонзор тумани, Қ.Ёрматов кўчаси, 2-уй манзилгоҳида жойлашган «Азимут-РУМБ» давлат кичик корхонаси.

Бошланғич нархи — 9 967 900,0 сўм.

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Университетская кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган «POLITEX-SPORT» шўъба корхонаси.

Бошланғич нархи — 115 000 сўм.

Тошкент шаҳар. Шайхонтоҳур тумани, Дилкаш кўчаси, 2-уй манзилгоҳида жойлашган, «ТАШИНТЕРМ» масъулияти чекланган жамият шаклидаги Ўзбек-Хитой қўшма корхонасининг Низом жамғармасидаги 58,0 фоизлик давлат улуши.

Бошланғич нархи — 1 040 909 245 сўм ёки 1 068 619 АҚШ доллари.

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Проектная кўчаси, 1а-уй манзилгоҳида жойлашган, «MADANIY QURILISH» шўъба корхонаси.

Бошланғич нархи — 15 432 830 сўм ёки 15 828 АҚШ доллари.

Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани. Тол Ариқ кўчаси, 40-уй манзилгоҳида жойлашган, «Transmaxsusqurilishta`minot» масъулияти чекланган жамиятининг 26 фоизлик давлат улуши.

Бошланғич нархи — 16 471 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Тол Ариқ кўчаси, 40-уй манзилгоҳида жойлашган, «Taysot» масъулияти чекланган жамиятининг 26 фоизлик давлат улуши.

Бошланғич нархи — 26 097 656 сўм.

Биржа савдолари ҳафтанинг ҳар душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтади

Кимошди савдоларига қўйилган кўчмас мулклар учун аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Танлов ва кимошди савдоларига қўйилган ер майдонлари учун аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади.

Кимошди савдолари соат 11.00 да, танлов савдолари соат 12.00 да бошланади.

Савдолар ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Миробод тумани, Мовароуннаҳр, 16-а.

Савдоларда қатнашиш учун объект нархининг 10% миқдорида закалат пули тўланади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Кодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

Республика Кўчмас мулк биржаси Тошкент шаҳар филиали «Республика Кўчмас мулк биржаси Тошкент шаҳар бўлими» маъсулияти чекланган жамияти, мулкчилик шаклига ўзгартирилаётганлиги тўғрисида маълум қилади.

ДИҚҚАТ, АУКЦИОН!
ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

2004 йилнинг 23,27,30 январь, 3,6,10,13,17,20,24,27 февраль кунлари аукцион савдоларини ўтказади

Савдоларга қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ш.Руставели кўчаси, 8-«А» уйда жойлашган «O`zpaxtasanoat» уюшмасининг:

— 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 10 AL, 243 бўлган «ГАЗ-31029» русумли автомашина, бошланғич нархи — 532 640 сўм;

— 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 10 AG 608 бўлган «Тойота-Карина Е» русумли автомашина, бошланғич нархи — 2543424 сўм;

— 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 10 AI 983 бўлган «ИЖ-2715» русумли автомашина, бошланғич нархи — 444 196 сўм;

— Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани Амир Темур 1-тор кўча, 6-уйда жойлашган «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасининг Транспорт хизматлари сифатини назорат этиш ва мувофиқлаштириш бошқармасининг:

— 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 10 AJ 415 бўлган «Тико» русумли автомашина, бошланғич нархи — 1 700 000 сўм;

— 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 10 AC 418 бўлган «Дамас» русумли автомашина, бошланғич нархи — 1 900 000 сўм.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объект бошланғич нархининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг «Ўзуйжойжамғармабанк» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уй. Телефонлар: 133-23-40, 133-02-49.

Ўзбекистон ХДП МК Котибияти Марказий Кенгаши аппарати собиқ ходими Абдумутал Абдуллаевга падари бузруквори

АБДУҚАҲҲОР отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.